

ФЕРУЗА РАСУЛОВА

**ГИЁҲЛАРГА  
БОТДИ  
ИЗЛАРИМ**

*Шеърлар*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2004

84(54)6-3

Ферузанинг ўқувчиларга тақдим этаётган ушбу шеърый тўпламида шеъриятнинг машаққатли йўлида жиддий изланаётган қаламкашни кўра-  
миз. Унинг сўз бойлиги ортиб бораётганлиги, фикрлари фалсафий ранг-  
лар касб этаётганлигини ҳис этасиз. Энг асосийси, самимий туйғулар,  
ҳиссиётлар тобора тиниқлашиб бораётганлиги шеърхонларни ҳам бе-  
фарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ISBN 5-633-01641-6

© Феруза Расулова. «Гиёҳларга ботди изларим».  
«Янги аср авлоди», 2004 йил.

20.05  
A 301  
Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston Mi  
10



## ОНА ТИЛИМ

Она тилим қадимий туркий забоним сан ўзинг,  
Алишеру Фаробийдек оқил замоним ўзинг,  
Кўксимдаги сўроққа тутган иймоним ўзинг,  
Ўзбек тилим қадрингни тиклаганинг муборақ,  
Ўзбек элим қадрингни ростлаганинг муборақ.

Гўзал оҳанг насимлар аро оқар тарихинг,  
Бугун дарёдек тошган ҳар бир кўлмак, аригинг.  
Унаётир далангда пахта, буғдой, тариғинг,  
Ўзбек тилим қадрингни тиклаганинг муборақ,  
Ўзбек элим қадрингни ростлаганинг муборақ.

Уқубатда синмаган гуруринг, қароринг бор,  
Озодлигинг оқлаган мардларингдек оринг бор,  
Авлонию Чўлпондек ушалмаган зоринг бор,  
Ўзбек тилим қадрингни тиклаганинг муборақ,  
Ўзбек элим қадрингни ростлаганинг муборақ.

Истиқлолинг қуёши порлайдиган кун келди,  
Бахтинг эъзоз қадрини чорлайдиган кун келди,  
Фарзандларинг нонингни оқлайдиган кун келди,  
Ўзбек тилим қадрингни тиклаганинг муборақ,  
Ўзбек элим қадрингни ростлаганинг муборақ.

Қадим Турон заминда озода ўзбек элим,  
Ўзлигини англаган хонзода ўзбек элим,  
Чаманзорим-Ватаним гулзода ўзбек элим,  
Ўзбек тилим қадрингни тиклаганинг муборақ,  
Ўзбек элим қадрингни ростлаганинг муборақ.

## ҲАЁТ

Не учун туғилдик, келдик дунёга,  
Кафтларни тенг қилиб очдик дуога,  
Хаёлни алишиб балки рўёга,  
Ҳаёт гўзал, дея бот-бот айтамыз.

Елкаларга ортиб оғир ташвишни,  
Бажараверамиз ҳар кунги ишни,  
Мукаммал этолмай қадим турмушни,  
Ҳаёт гўзал деган сўздан қайтамыз.

Оёқларда занжир, қўлларда кишан,  
Кимнинг боғи хазон, кимники гулшан,  
Ким-чун пул муқаддас, кимлар учун шан,  
Ҳаёт йўлларидан бирга кетамиз.

Осмондаги бургут ерда юрибди,  
Шоқоллар кўкларга парвоз қилибди,  
Худо барчасини кўриб турибди,  
Ҳаёт, деган бахтга албат етамыз.

Мададга узалган қўллар кесилди,  
Орзуга туташган йўллар кесилди,  
Имконлар бор эди улар кесилди,  
Ҳаёт учун иймонлардан кечамиз.

Биз қандай одаммиз? Қандай инсонмиз?  
Йиртиқ булутларга тўла осмонмиз,  
Бошоқда дони йўқ эски сомонмиз,  
Ҳаёт, деб даладан униб чиқамиз.

Ҳаёт учун молу дунё йиғамиз,  
Дунёни ҳам дарё-дарё йиғамиз,  
Кўзингни очгил, эй, ҳазрати инсон,  
Қуруқ келганмизми қуруқ кетамиз.



## АСРАНГ, ОДАМЛАР

Булбуллар куйида бўлсин дард,  
Ошиқларга бормасин ғамлар.  
Баҳорга айлансин учган гард,  
Муҳаббатни асранг, одамлар.

Пушаймондан куймасин юзлар,  
Ўйланиб қўйилсин қадамлар,  
Қалб доғига тушмасин кўзлар,  
Садоқатни асранг, одамлар.

Хиёнат қилмангиз дўстликка,  
Чин лафз учун қилманг ситамлар,  
Сотилмасин меҳр зўрликка,  
Диёнатни асранг, одамлар.

Бўйин эгинг ёлғиз Оллоҳга,  
Бандасидан кутманг мурувват.  
Тобе бўлманг нафсу гуноҳга,  
Оқибатни асранг, одамлар.

Маҳкам тутсин бахтни қўлимиз,  
Шодлик бўлсин ҳар лаҳза дамлар.  
Ватан мангу озод йўлимиз,  
Ҳурриятни асранг, одамлар.

Хусуматлар кетсин нарига,  
Унутилсин аччиқ аламлар.  
Етайлик истиқлол қадрига,  
Шижоатни асранг, одамлар.

Кўксимизда муҳрдир тарих,  
Қадим армон эди бу дамлар.  
Ўзлигимиз намоён охир,  
Қадриятни асранг, одамлар.

\*\*\*

Жоним, дедим жоним тикиб жонингизга,  
Минг бир ёндим минг бир қилган ҳолингизга.  
Тўкилманг, деб тўкилгандим пойингизга,  
Мени мендек суёлмади юрагингиз.

Фироқларда фарзоналар бўлдим, бегим,  
Саҳроларда сарсоналар бўлдим, бегим.  
Ҳатто сизга сиғинган ҳам бўлдим, бегим,  
Мени мендек суёлмади юрагингиз.

Ойимчалар оёғига чўкиб кетинг,  
Қадрим қолиб кўзда ёшлар тўкиб кетинг.  
Бевафосиз, бедаводек танҳо кетинг,  
Мени мендек суёлмади юрагингиз.

Ўлсам, ўзда олиб кетгум васлингизни,  
Майли мендан олган бўлинг қасдингизни.  
Сизни севдим қандай бўлса аслингизни,  
Мени мендек суёлмади юрагингиз.

\*\*\*

Соғиндим. Беҳузур юрагим маъюс,  
Силқиди кўзимдан томчи ёшларим.  
Ёнимда йўқдирсан, азизим, афсус,  
Юракда қолмади ҳеч бардошларим.

Кутардим, кутишдан чарчади қалбим,  
Йўлингда тикилмас умидвор кўзлар.  
Кун сайин кучайиб бормоқда дардим,  
Соғинчим баёнин тополмас сўзлар.

Томчилай қолмади кўзимда ёмғир,  
Васлинг хотиримдан ўчиб бормоқда.  
Мен сени севардим, севардим, ахир,  
Совиган севгимиз қонда оқмоқда.

Мени эслайсанми, ҳеч ўйлайсанми,  
Сенсиз ҳолим нима тасаввур этгил.  
Мендек олисларга оқ йўллайсанми,  
Мен йўллаган оҳлар додига етгил.

Нега, деган сўзлар, саволлар бисёр,  
Ёнмоқда ачишиб куйган юрагим.  
Балки олисларда кунинг бахтиёр,  
Менинг эса йўқдир бахтга керагим.

Биз юрган йўлларга қадам тапшлайман,  
Сенинг изларингни излаб, қидириб.  
Яна кўзларимни яна ёшлайман,  
Юзларимга томган ёшни сидириб.

Худойим билади ва фақат ўзим,  
Аламу дардларга танҳо ёрлигим.  
Мени унутмагин, дейсану, аммо  
Ёддан чиқарасан менинг борлигим.





\*\*\*

Яна баҳор келди, мен эса ёлғиз,  
Остонада уни кутиб оламан,  
Соғинчдан титраган юрагим ҳиссиз,  
Ҳиссиёт қирида унган лоламан.

Ёгаётган ёмғир ўхшайди менга,  
Ёгади бетиним, томади маъюс.  
Айтиб улгурмаган қанча гапларим,  
Дилимда кўмилган надомат-афсус.

Баҳорнинг юзидан бўсалар олдим,  
Онам, деб бағрида узоқ йиғладим.  
Шу баҳор юпатган ширин сўзларни,  
Сенинг юрагингда асло кўрмадим.

Қушларга соғинчим баён айладим,  
Балки азобларим сенга етар, деб.  
Шамолга осилиб парвоз айладим,  
Дилимнинг озори ўчиб кетар, деб.

Яна баҳор келди сездингми, жоним,  
Руҳим узра яшар мусаффо ҳаво.  
Муҳаббатга тўлган бутун жаҳоним,  
Қалбимда тирикдир садоқат, вафо.

Шу баҳор сингари сени кутгандим,  
Ўзимда борини сенга тутгандим.  
Муҳаббатим сенга малол келдими,  
Ахир, сенинг учун қонлар ютгандим.

Унутма, баҳормас бу менинг севгим,  
Гуллаган табиат қўйнида яшнар.  
Бағри қон лолалар менинг бардошим,  
Сен учун ва фақат сени, деб яшар.



\*\*\*

Бу заминнинг тупроғи одил,  
Аёллари идроки комил,  
Қон ичирган ёвга Тўмарис,  
Қўлларида қолган ватан бу.

Меҳри иссиқ саҳрода қумдан,  
Кўролмаса душманлар зимдан,  
Қулоқ-бурнин кесган Широқнинг  
Чўлларида қолган ватан бу.

Хиёнатдан куйган юзлари,  
Дарвозида алам излари.  
Бобурнинг соғинч фаслидаги  
Дўлларида қолган ватан бу.

Сувлари оби ҳаёт эди,  
Муҳтожлик, қурғоқлик ёт эди.  
Оролнинг шўрланган, хўрланган,  
Кўлларида қолган ватан бу.

Даласидан ризқу нон терган,  
Меҳнатига куч-ғайрат берган,  
Деҳқонбобо уйган хирмоннинг  
Мўлларида қолган ватан бу.

Қадамнинг ўйлаб бос тупроққа,  
Озор берма бирор япроққа.  
Билсанг агар азим жаннатнинг  
Йўлларида қолган ватан бу.

\*\*\*

Халқим, бардошингга эгаман бошим,  
Гарчи дилда ҳали армонларинг бор.  
Кўзимда севинчдан оқади ёшим,  
Шукурким, мусаффо осмонларинг бор.

Қадасанг ерингда чўп ҳам кўкаргай,  
Ҳосилнинг бўйлари кўкларга етгай.  
Дарду аламларинг ситами кетгай,  
Шукурким, дон тўла хирмонларинг бор.

Тарихдан нур сочгай буюк қадрият,  
Камолнинг озодлик ҳамда ҳуррият.  
Қариялар дуоси тинч яхши ният,  
Бахтларга бегумон замонларинг бор.

## СОҒИНСАМ КЕРАК, ДЕБ ҰЙЛАРДИМ

Соғинсам керак, деб ўйлардим ногоҳ,  
Қалбим айрилиқдан озор чекканда.  
Дардларим топмади қалбингдан паноҳ,  
Фарёдим осмону кўкга етганда.

Соғинсам керак, ўйлардим аммо,  
Юрагим зарбига куч топа олдим.  
Кўзларим кўзингга қадалса ҳатто,  
Сени севишимни унута олдим.

Майлига танимай юз буриб кетсанг,  
Майлига севгимиз йўқолса изсиз.  
Менсиз яшамоқни афзалроқ билсанг,  
Мен ҳам сенсиз яшай бир ўзим ёлғиз.

Соғинсам керак, деб хато қилибман,  
Ўзимни ёлғонга кўндириб ҳатто.  
Бемеҳр кўнгилга шайдо бўлибман,  
Озорлаб дилимни қилибман адо.

Аммо соғинмайман энди сени ҳеч,  
Кўзимда ёш эмас ярқирар севинч.  
Ҳаммаси тугади, билгин, энди кеч,  
Юрагимдан учиб улгурди соғинч.

## ЎРТАНМА

Ўртанма эй юрак, ўкинмас асло,  
Худога ишонгин, сиғингин таяқо.  
Иймонинг бағишла, дардларинг кетсин,  
Оллоҳ ҳар дамингни фароғат этсин.

Қўрқмагин, чўчима тўсиқлардан сен,  
Дунё ўзи асли синов майдони.  
Барчамиз инсонмиз ва барчамиз тенг,  
Бугунги умидинг эртанг мезони.

## ОНАЖОНИМ

Мужгонларим тутолмаган кўз ёшимда,  
Армонларим қучолмаган бардошимда,  
Кўкда балқиб тўлган ўн олти ёшимда,  
Онажоним, сизга пинҳон сўзларим кўп,  
Меҳрибоним, кўкни қучган розларим кўп.

Мен дунёга келиб ҳали нима кўрдим,  
Ғўрман: балки ҳосилларнинг хомин ўрдим,  
Бир яхши-ю бир ёмондан фикр сўрдим,  
Онажоним, сизга пинҳон сўзларим кўп,  
Меҳрибоним сизга айтар бўзларим кўп.

Остонадан қўймоқдаман илк қадамим,  
Менга далда ҳам суянчсиз оғир дамим,  
Ишонаман, яқин қолган бахтим маним,  
Онажоним, сизга пинҳон сўзларим кўп,  
Меҳрибоним, сизга айтар розларим кўп.

Орзуларим олис менинг самолардан,  
Бахтимга сиз йироқ бўлинг балолардан,  
Дуо беринг қизингизга санолардан,  
Онажоним, сизга пинҳон сўзларим кўп,  
Меҳрибоним, кўкни қучган розларим кўп.

Мен бугун учқун, эрта олов бўламан,  
Шеърят осмонида ойдек тўламан,  
Юзингизда бир ёруғ нур-ла қоларман,  
Онажоним, сизга пинҳон сўзларим кўп,  
Меҳрибоним, кўкни қучган розларим кўп.

\*\*\*

Ҳеч ким сезмай қолдики ҳатто,  
Тасодифан учрашиб қолдик.  
Дунёларнинг чорраҳасида,  
Кўнгилларга бир меҳр солдик.

Нигоҳларга қадалиб кўзлар,  
Ипсизгина боғланди розлар.  
Ҳеч ким сезмай қолдики ҳатто,  
Ортиқчадек туюлди сўзлар.

Фақат кеча ёққан ёмғирлар,  
Билар эди бу ажиб сирни.  
Билар эди сенинг васлингни  
Жуда узоқ қидирганимни.

Ҳеч ким сезмай қолдики ҳатто,  
Юзимизни чайган шабнамни.  
Осмон бизни олиб бағрига,  
Қалбимиздан ҳайдади ғамни.

Ёмғир бўлиб оқди кўчалар,  
Томчилар ҳам маънос йиғлади.  
Ҳеч ким сезмай қолдики ҳатто,  
Ернинг васли кўкни тирнади.

Фақат кеча ёққан ёмғирлар  
Кўз ёшида асради бизни.  
Кўз ёшлар ҳам билар эдилар,  
Сени узоқ қидирганимни.

## КУН КЕЛУР

1

Кўчанинг четида ўсар нозиккина бир ниҳол,  
Кузги шамоллардин анинг омон қолмоғи маҳол.  
Мункайиб туради беҳол ёмғирларда юз чайиб,  
Ҳеч ким йўқ сўрамоққа ғамгин ҳолидин аҳвол.

2

Боғбон нега ниҳол экдинг, олмасанг ондин хабар,  
Меҳрибон бу кўзларингдин тушмаса бир бор назар.  
Бу дилозор дунё ичра шундоқ ҳам кўп бағри чок,  
Парвариш этсанг ниҳолни олурсан бирор самар.

3

Ўрганувчи юракларни ташлаб қўймагай худо,  
Кун келур шу ниҳолдан ҳам чинор бўлгуси пайдо.  
Келиб чинор тагида баҳра олурсан бағридан,  
Вале боғбонман, дейишга тилинг кесар муҳобо.





## ЭЙ, ОНА

1


Ҳар бирига кошонадир ўз кулба вайронаси,  
Олам чидар айро бўлса куну тун паймонаси.  
Аммо чидаб бўлармикан фарзанднинг кўз ёшига,  
Жон ато этиб жисмига ташлаб кетса онаси.

2

Кузги дарахтлар сағридан сариқ хазон тўкилар,  
Онаси ташлаб кетганининг бағридан қон тўкилар,  
Ҳеч кимса йўқ юпатгани, кўз ёшларин артгани,  
Онажон, деган сўзидан интизор жон тўкилар.

3

Хор айласа кимки кимни, ўшанга зор бўлади,  
Она, бир кун кўзингизга кенг дунё тор бўлади,  
Осмондаги ой мисоли порласа ўшал фарзанд,  
Кўнглингиз олмоқ унинг қалбига бир ор бўлади.



\*\*\*

Хазонларнинг гамгин рақсида  
Шамолларнинг нафаси эсса,  
Мени эсланг севги тафтида  
Мени эсланг кўзда нам кезса.

Ёдда тутинг ҳарир тунларни,  
Ёдда тутинг севги қасамин.  
Унутманг, қай томонда шу он  
Сизчун кимдир ютар аламин.

Унутманг, кўзимда ёшларни  
Қалбимдаги оташ илҳомни.  
Ёдга олинг, баъзи-баъзида  
Сизни севдим, деган каломни.

Учиб кетгум оппоқ қуш каби,  
Қанотларим ёйиб самога.  
Орзуларимга етгайман, албат,  
Кўнгил бергум умид томонга.

Мени чорланг ҳайқириб нидо,  
Кўксингизда урган юракман.  
Менинг учун бўлинг бир садо,  
Мен барибир сизга керакман.

\*\*\*

Йиғламагин, эй дугонажон,  
Қўзинг ёшлаб бағринг этма қон.  
Қарғамарин айбсиз севгини,  
Қалб берганинг бағритош инсон,  
Ёшли қобоғингга арзимас.

Ўкинмагин соғиниб беун,  
Кутма беҳудага туну кун.  
Чеккан азоб-ғамларинг учун,  
Қалб берганинг бағритош инсон,  
Синган тирноғингга арзимас.

Нолима, дилни хор этасан,  
Чида, толе бахтдан ютасан.  
Кун келади англаб етасан,  
Қалб берганинг бағритош инсон,  
Хоки пойингга арзимас.

Юксакликка чиқсанг мабодо,  
Топилади сенга кўп шайдо.  
Фақат дилда армондан нидо,  
Қалб берганинг бағритош инсон,  
Бахтли қароғингга арзимас.

Шу ерда туғилдим, вояга етдим,  
 Илк қўйган қадамим сенга бахш этдим.  
 Булоқларинг ювган юзингдан ўпдим,  
 Болалик йилларим ўтган қишлоғим.

Таниш ва қадрдон ҳар бир япроғинг,  
 Оёғим куйдирган иссиқ тупроғинг.  
 Худди боқиб турар кўзу қароғинг,  
 Болалик йилларим ўтган қишлоғим.

Чучук сўзларимни сенга айтганман,  
 Қайга кетар бўлмай сенга қайтганман.  
 Илк баётларимни сенда битганман,  
 Болалик йилларим ўтган қишлоғим.

Кулгичингда қолган соф кулгуларим,  
 Болаликда қилган зар орзуларим,  
 Бировдан ранжисам ғам-қайғуларим,  
 Болалик йилларим ўтган қишлоғим.

Анҳоринг қўйнида чўмилганим бор,  
 Ҳам шумлик, ҳам шўхликлар қилганим бор.  
 Гумон, ҳасратларга кўмилганим бор,  
 Болалик йилларим ўтган қишлоғим.

Уйим остонаси сенинг жамолинг,  
 Сўзим нафасида сенинг шамолинг.  
 Обод бўлди бугун рўю камолинг,  
 Болалик йилларим ўтган қишлоғим.

Ким деб атай сени, эй қадрдоним,  
 Ўтмишим садоси бахтим айвони.  
 Болаликдек азиз дадим карвони,  
 Дилга хазинабон бўлган қишлоғим.

## МЕҲРИБОН ЗОТ

Минг бор олдим қўлимга қалам,  
Минг бор сизга изладим қиёс.  
Бутун бир оламни таърифлаб,  
Лекин сизга ожиз қолди сўз.

Мендан такрор-такрор сўрашди,  
Онага бахшида баётни.  
Она шундай покиза зотки,  
Фарзандларга берар ҳаётни.

Қалбингиздек оқ бир йўргакка,  
Ўраб бизга оқ сут берибсиз.  
Меҳр солиб жажжи юракка,  
Машаққатни бир-бир терибсиз.

Бетоб бўлсам, бедор ўзингиз,  
Азоб чексам, мадор ўзингиз.  
Кетсам, сиздан бўлак кутмагай,  
Йўлимга интизор ўзингиз.

Бу муқаддас сўзни шоирлар,  
Такрор-такрор айтишгандир бот.  
Аммо она шаксиз муқаддас,  
Дунёдаги энг меҳрибон зот.



## УКАЛАРИМГА

Беғуборлик фасли бағрида,  
Бугун гулгун очилибсизлар.  
Покиза хаёллар йўлида,  
Орзулардек сочилибсизлар.

Сизга ётдир ғаму ташвишлар,  
Сизга ётдир азоб-уқубат.  
Қалбингиз осмондек мусаффо,  
Сизга ётдир киноя, ғийбат.

Бугун билан қуриб эртани,  
Олий бахтни хаёл қиласиз.  
Сиз билмайсиз ҳаёт захрини,  
Сизлар фақат бахтни биласиз.

Юрагингиз муқаддас бешак,  
Унга қора соя солмаган.  
Сизлар нур, бир покиза тилак,  
Дунёнинг миннатин олмаган.

Сизларга ҳавас-ла боқишар,  
Болалиқдан олис кетганлар.  
Ўрнингизда бўлмоқ исташар,  
Сочларига қиров сочганлар.

Укаларим, сиз келажакда,  
Юртнинг жасур посбонларисиз.  
Алпомишга елкадош бўлган,  
Сурхонимиз полвонларисиз.

\*\*\*

Юракдан узилиб муҳаббат тори,  
Осмондан ёғилса соғинчнинг зори,  
Енгилмас бир марднинг топталса ори,  
Ҳаётдан нолиманг, чиданг, одамлар.

Офтобнинг юзлари ёниб кетса ҳам,  
Шамолнинг қаноти синиб кетса ҳам,  
Заминнинг юзини ўраб олса ғам,  
Ҳаётдан нолиманг, чиданг, одамлар.

Ёронлар бир-бирин кўролмасалар,  
Замон давронини суролмасалар,  
Бир бурда нонни тенг бўлолмасалар,  
Имонли бўлингу, чиданг, одамлар.

Ёлғон бу дунёнинг синови сохта,  
Иродани букиб, эгманг бошингиз,  
Умр, кураш, омад ғолиб тарафда,  
Ҳаётда курашиб яшанг, одамлар.

Сабрнинг кўксига дард сочилмагай,  
Нолиманг, нолишдан бахт очилмагай,  
Нолиганни худо ҳам кечирмагай,  
Сабр қилиб кутинг, чиданг, одамлар.



## ТҮҮРТЛИКЛАР

Кўзим ўпсин тупроғингни, кўзларимга нур Ватан,  
Юзим ўпсин япроғингни, юзларимга дур Ватан.  
Бағрим қучса осмонингни беназир гулгун чаман,  
Сўзим ўпсин қиёсингни озод, эркин, ҳур Ватан.

\* \* \*

Қайғурма, эй ғариб, дунё ҳам гамдир,  
Кимгадир ёқасан, кимга эса йўқ.  
Дунё бу гўёки ошхона эрур,  
Кимлар оч юради, кимлар эса тўқ.

\* \* \*

Ватан, сатримдаги шуурим ўзинг,  
Ватан, қалбимдаги ғурурим ўзинг,  
Сени куйламоқни аҳд қилдим бугун,  
Ватан яшаш учун зарурим ўзинг.

\* \* \*

Эй инсон теранроқ очгин кўзларинг,  
Оқиб ўтмоқдадир умринг анҳори.  
Анҳорда оқмоқда ҳаёт йўлларинг,  
Савоб қилмоқликка улгурсанг зора.

\* \* \*

Очиб умрларнинг дил дафтарларин,  
Сарҳисобин ўқий бошладим.  
Битта умр кўрган алам-дардлардин  
Кўзларимни минг бор ёшладим.



\* \* \*

Дунё, дунё, бағринг намуна совуқ  
Сирли ҳумо қушинг бугун бир товуқ.  
Дилларда ишонч йўқ мурувватингга,  
Яхшига бевафо, ёмонга содиқ.

\* \* \*

Ҳирс қўйиб давлатга, молу дунёга,  
Умринг сарфламагин, завол кетади.  
Бу дунёда топган машаққатларинг,  
Фақат шу дунёда қолиб кетади.

\* \* \*

Шеърим менинг — юрагим менинг,  
Сен дўстим, ҳам сирдошим менинг.  
Сатрингда ҳам орзу-тилагим,  
Шеърим, дардим, бардошим менинг.

\* \* \*

Мен Зебо, Нодира, Вайси эмасман,  
Садоқат кўрсатиб, топмадим вафо.  
Ортиқ пушаймонлик нонин эмасман,  
Кўнглимда севгига ишончим адо.

\* \* \*

Дунёдан ҳам гадо ҳамда шоҳ ўтгай,  
Юксак самодаги қуёш, моҳ ўтгай.  
Даҳрнинг дардига ҳайрон бўлмагин,  
Муҳаббат ҳам ўтгай, ҳижрон ҳам ўтгай.

\* \* \*

Дунё шундай бир мактабки унда ҳаёт муаллим,  
Гоҳи шодлик, гоҳи қайғу, баъзида дўстинг ғаним,  
Кимга хасис, кимга сахий нонин миннат қилади,  
Булбулларни гирён қилиб, зоғни иззат қилади.

\* \* \*

Тушунарсиз менинг ҳаётим,  
Гоҳи севинч, гоҳида алам.  
Тушунмайсиз дилдан баётим,  
Гоҳи армон, гоҳида беғам.

\* \* \*

Тонгим менинг, уйқулардан уйғондингми,  
Бахтим менинг, очилдингми чаманда.  
Она замин, шодман бугун бағрингда,  
Ярим кўнглим бутун менинг ватанда.

## МЕН СЕНИКИ ЭМАСМАН

Мен сеники эмасман, осмон,  
Чорламагин эгилиб бошинг.  
Мен орзуси узилган армон,  
Мен ёмғирман, сенинг кўз ёшинг.

Мен сеники эмасман, ҳаёт,  
Қўрқмаганман ўлимингдан ҳам.  
Мен сатрдан тўкилган баёт,  
Илҳом солар бағримдаги ғам.

Мен сеники эмасман, севги,  
Мени қучиб парвоз айлама.  
Менинг жоним ижод асири,  
Менинг қалбим дилдош сайлама.

\*\*\*

Шамол елма, учиб нафасинг,  
Ҳарир дийдор ўртаб юракни.  
Соғинч безма, кетмагин йироқ,  
Менинг қалбим қучиб тилакни.

Қушлар учманг парвозлар айлаб,  
Гуллар кулманг менинг устимдан.  
Тонглар чорланг, ҳаётни безаб,  
Бахтим келгин кечиб дардимдан.

\* \* \*

Сени бугун тушимда кўрдим,  
Қийнар эди соғинчли ҳижрон.  
Гўё тушмас ўнгимда кўрдим,  
Маъюс қалбим тигларди армон.

Сени бугун тушимда кўрдим,  
Гўё тушмас, ўнгимда кўрдим.  
Соғинчлардан адо бўлганман,  
Ҳатто тушда Худодан сўрдим.

Тушимда сен кетардинг голиб,  
Мен ортингдан учиб борардим.  
Учар эди нигоҳинг изсиз,  
Хаёлингни кучиб борардим.



\*\*\*

Олисларда қолиб кетган бахтим менинг,  
Уммонларда оқиб кетган аҳдим менинг,  
Букилмайин синиб кетган шахдим менинг,  
Кам бўлдим мунча кўрган ранжим менинг?

Дўстингман, деб дардим олди дилга ботиб,  
Ҳузур топди дардимни сотиб-сотиб.  
Тўйиб-тўйиб кулди ганим қаҳ-қаҳ отиб,  
Кам бўлдим шунча кўрган ранжим менинг?

Ишончим топгадилар армон бўлиб,  
Бир нигоҳга зор айлади армон бўлиб,  
Сабр косам пушмонларга бугун тўлиб,  
Кам бўлдим шунча кўрган ранжим менинг?

Орзу тутдим қўлларимда синиб кетди,  
Умидларим алангаси сўниб кетди,  
Соғинч томди менинг бағрим тўлиб кетди,  
Кам бўлдим шунча кўрган ранжим менинг?

Қоқилганда бир меҳрибон қўл тутмади,  
Бир яхшилик савоб учун йўл тутмади,  
Мен бахтимни кутган эдим бахт кутмади,  
Кам бўлдим шунча кўрган ранжим менинг?

Дарёлардан тошиб кетган хаёлларим,  
Қайларгадир шошиб кетган хаёлларим,  
Айтинг энди садо бериб дил зорларим,  
Кам бўлдим шунча кўрган ранжим менинг?

\*\*\*

Нечун ёш тўкамиз соғинсак кимни,  
Нечун ёш тўкамиз оғир дамда ҳам?  
Хўрлансак юпанчни олиб йиғидан,  
Унга талпинамиз, сиғинамиз ҳам.

Кўзимизда оққан ўша томчига,  
Сўзлаймиз бирма-бир дарди ситамдан.  
Нега шундай деган саволлар билан  
Дунёга сиғмаймиз шунда аламдан?

Йиғлаган дамларда томчи ёшимиз,  
Ювиб кетаверар секин ғамларни.  
Сокинлик бағрида юракларимиз,  
Унута бошлайди маъюс дамларни.

Эҳтимол, бу томчи жаннат боғидан,  
Отилиб шошилган булоқ сувидир.  
Эҳтимол, бу томчи бахтдан, шодликдан,  
Умиддан туғилган ҳаёт сувидир.

Агар бахтсизликдан қолсам довдираб,  
Эй эгам, сен ўзинг мадад бергин то  
Юрагим дунёнинг азобларидан,  
Кўз ёш тўкавериб бўлмасин адо.



\*\*\*

Кўклар қучган нафасингни соғиндим,  
Сайроқларинг — сасларингни соғиндим.  
Соғинчимни биласанми наҳорим,  
Сен ҳам мени соғиндингми, баҳорим?!

Қирларда кўк либосингни соғиндим,  
Сенинг ёдинг билан қишда оғриндим,  
Кўкрагида райҳон қучган анҳорим,  
Сен ҳам мени соғиндингми, баҳорим?!

Келса, агар булбулдайн жўшардим,  
Қалбимдаги севинчдан нур қўшардим.  
Сенинг учун, фақат сен-ла яшардим,  
Сен ҳам мени соғиндингми, баҳорим?!

Сенинг билан орзуйимни кутгим келади,  
Ифторингни елкалаган шамол елади.  
Мусаффо шу осмон томон учгум келади,  
Сен ҳам мени соғиндингми, баҳорим.

Дарахтдан бошланар куртакка ҳаёт,  
Қушлар навосида бор ажиб баёт.  
Сендан сўроқлайман яна қайта, бот:  
Сен ҳам мени соғиндингми, баҳорим?!



\* \* \*

Тонгда юлдузларни  
Санай бошладим.  
Осмон алангага айланиб бирдан  
Бир-бир ўтаверди митти юлдузлар,  
Ҳайратланиб қолдим бу ажиб сирдан.

Секин хиралашди туннинг сиймоси,  
Кўзим қаросида йўқолди юлдуз.  
Аксини кўрсатиб тонгнинг ойнаси,  
Уфқдан бошини кўтарди наврўз...

## ҲЕЧ КИМ БИЛМАЙДИ

Йиглай десам кўзимга,  
Кўз ёшларим келмайди.  
Сокин турсам сукунат,  
Шамол бўлиб имлайди.

Ҳаёт бунчалик аччиқ,  
Бунча тотли бўлмаса,  
Юракдаги дардимни,  
Афсус, ҳеч ким билмайди.



## КИТОБ

Китобдан сен билим оларсан,  
Китоб сенинг келажагингдир.  
Китоб сенга ҳаёт танитар,  
Китоб сенинг яқин дўстингдир.

Эртақларда намоён доим,  
Ёвузликни эзгулик енгар.  
Бир кун бебош хаёлларингни  
Китобдаги билим эгаллар.



## БАХТИМ ЙИҒЛАЙДИ

Қаролиғ бу оқшом йиғлайди ой ҳам,  
Маъюс термулади дилда орзулар.  
Истаклар рўёби ўрнида бир ғам,  
Тантана тахтида бетиним кулар.

Сирлашиб йиғлайди сўнгги бир армон,  
Кечир, деб ўтиниб изн сўрайди.  
Лоақал мен қолай, бергин деб имкон,  
Сукунат ичида бахтим йиғлайди.

## ШЕЪРИМ

Хоҳ кеча, хоҳ кундуз сирларга кўмиб,  
Шеърим, фақат сенга очдим қалбимни.  
Кўзимда ёш билан гоҳида кулиб,  
Фақат сенга аён қилдим дардимни.

Кимдандир ранжисам сенга йиғлайман,  
Сенда юпанаман, ўзим топаман.  
Гоҳида севинсам қаламим билан,  
Хаёлан қирларда сен-ла чопаман.

Яшашчун бошимни эгмасдан ҳеч ҳам,  
Сендан куч оламан ҳаётда мағрур.  
Сендан дард оламан токи жоним ҳур,  
Ижод осмонида порласа масрур.



## МУНДАРИЖА

Ватан .....	3
Она тилим .....	4
Ҳаёт .....	5
Асранг, одамлар .....	6
«Жоним, дедим жоним тикиб жонингизга...» .....	7
«Соғиндим. Беҳузур юрагим маъюс...» .....	8
«Яна баҳор келди, мен эса ёлғиз...» .....	9
«Бу заминнинг тупроғи одил...» .....	10
«Халқим, бардошингга эгаман бошим...» .....	11
Соғинсам керак, деб ўйлардим .....	12
Ўртанма .....	13
Онажоним .....	14
«Ҳеч ким сезмай қолдики ҳатто...» .....	15
Кун келур .....	16
Эй, она .....	17
«Ҳазонларнинг ғамгин рақсида...» .....	18
«Йиғламагин, эй дугонажон...» .....	19
«Шу ерда туғилдим, вояга етдим...» .....	20
Меҳрибон зот .....	21
Укаларимга .....	22
«Юракдан узилиб муҳаббат тори...» .....	23
Тўртликлар .....	24
Мен сеники эмасман .....	27
«Шамол елма, учиб нафасинг...» .....	28
«Сени бугун тушимда кўрдим...» .....	29
«Олисларда қолиб кетган бахтим менинг...» .....	30
«Нечун ёш тўкамиз соғинсак кимни...» .....	31
«Кўлар кучган нафасингни соғиндим...» .....	32
«Тонгда юлдузларни...» .....	33
Ҳеч ким билмайди .....	34
Китоб .....	35
Бахтим йиғлайди .....	36
Шеърим .....	37



Адабий-бадний нашр

**ФЕРУЗА РАСУЛОВА**

**ГИЁҲЛАРГА БОТДИ ИЗЛАРИМ**

*Шеърлар*

Муҳаррир *Азиз САИД*

Расом *Акмал НУР*

Бадний муҳаррир *Баҳриддин БОЗОРОВ*

Тех. муҳаррир *Вера ДЕМЧЕНКО*

Мусаҳҳиҳ *Дилрабо МИНГБОЕВА*

Компютерда саҳифаловчи *Екатерина НАЗАРОВА*

ИБ № 3943

Босишга 16.08.2004й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.  
Босма тобоғи 1,25. Шартли босма тобоғи 2,10.  
Адади 1000 нуска. Буюртма № 207.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.